O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI
BO'STON TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

Andijon viloyati Bo'ston tumani Mustaqillik ko'chasi 51-uy

2022 - yil 13 - oktabr 244-1-19-Q/22 Bo‘ston tuman hokimligi

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2023 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

“Аҳоли Бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39-моддаси, “Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низом, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида” ги Низомга (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май) асосан, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида туманда 2023 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ;

2023 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Аҳоли Бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар *(Кейинги ўринларда ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар деб юритилади)* учун иш ўринларининг энг кам миқдори (2-илова) ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача 4889 нафар иш ўрнини ташкил этадиган 5,0 фоиз миқдорида,

шу жумладан:

ногиронлиги бўлган шахслар учун 3,0 фоиз (145 иш ўрни);

(145 нафар юқорида кўрсатилган иш ўринларига туманда ногиронлиги бўлган шахслар ишга

жойлашиш бўйича талаб 4 та бўлганлиги сабабли, келгусида 141 та иш ўринни умумий ўрта ва ўрта махсус, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин.

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 1,0 фоиз (51 та);

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 0,5 фоиз (23 та);

сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 0,3 фоиз (17 та);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 0,1 фоиз (4 та);

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун 0,1 фоиз (3 та) миқдорида иш ўринлари заҳираси белгилансин.

3. Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ;

сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг профессионал тайёргарлигига мос;

ногиронлиги бўлган шахслар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиғи ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган;

пенсия олди ёшидаги шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган;

жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган ;

одам савдоси қурбонлари учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган;

4. Қуйидаги иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар этиб белгилансин:

муҳандис, иқтисодчи, ҳисобчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарозибон, электрик, фаррош, ўт ёқувчи, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул, ўқитувчи.

5. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

2023 йил бошланишидан камида 10 кун олдин, захирага қўйиладиган умумий иш ўринлари сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун захирага қўйилишини ва тайёрлигини таъминласин, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан 2023 йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласин, бу ҳақда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этсин;

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиги, тенг даражада захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан туман ҳокимининг қарори бажарилмаслиги сифатида қаралиши лозимлиги қайд этилсин.

6. Туман ҳокимининг ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, бундай шахсларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилот, корхона ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги алоҳида қайд этилсин.

7. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май) асосан субсидиялар ажратиб бериш тартиби амалиётга жорий этилганлигини ҳисобга олиб, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга – ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлашни таъминлансин.

8. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Д.Мўйдинов) мазкур қарорни беш кун муддатда қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган ташкилот, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари эътиборига етказилишини таъминласин.

9. Мазкур қарор “Бўстон” газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

10. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради.

11. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2021 йил 1 ноябрь

кунги 37-1-19-Q/21-сонли қарори 2023 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари В.Солиев зиммасига юклатилсин.

Bo‘ston tumani hokimi **S.A.NOSIROVA**

Bo‘ston tuman hokimining
2022 yil 13 oktabrdagi
244-1-19-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни 2023 йилда ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби

Комиссия раиси:

1.В.Солиев	-	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

Комиссия раисининг ўринбосари:

2.Д.Мўйдинов	-	Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори

Комиссия аъзолари:

3.Б.Назиров	-	Туман ҳокимининг ўринбосари
4.Л.Ғаниев	-	Туман ҳокимлигининг бола ҳуқуқларни ҳимоя қилиш шўъбаси мудири
5.А.Ахмадалиев	-	Туман Халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири
6.Д.Пайзиматов	-	Туман ҳокимлиги ҳузуридаги жазони ижро этиш жойлардан бўшатилган шахсларда ижтимоий кўникмалар ҳосил қилиш маркази раҳбари ўринбосари

Комиссия котиби:

7.М.Тўлқинжонов	-	Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг “Ишсизларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш” шўъбаси мудири

Изоҳ: *Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, уларнинг ўрнига янги тайинланган шахслар комиссия аъзоси ҳисобланади.*

Bo‘ston tuman hokimining
2022 yil 13 oktabrdagi
244-1-19-Q/22-son qaroriga
2-ilova

№	Топшириқ берилган корхона, ташкилот ва муассаса номи	Уларда ишловчилар сони	Банд қилинган иш ўринлари сони *		Шундан																	
					ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар		таълим муассасаларини тугатган ёшлар		муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар		Ногиронлар		Пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар		жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар		ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқароларнинг бошқа тоифалари		Шундан			
																			сафарбарлик чақируви захирасига киритилган шахслар	кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар	атрофдагилар учун хавфли бўлмаган ижтимоий аҳамиятли касалликлар билан оғриётган шахслар	Одам савдоси жиноятидан жабрланганлар
			Сони	**%**	**Сони**	**%**	**Сони**	**%**	**Сони**	**%**	**Сони**	**%**	**Сони**	**%**	**Сони**	**%**	**Сони**	**%**				
		4889	**243**	**5,0**	**23**	**0,5**	**51**	**1,0**	**17**	**0,3**	**145**	**3,0**	**0**	**0,0**	**4**	**0,1**	**3**	**0,1**	**2**	**0**	**0**	**1**
1	1-умум таълим мактаби	98	4	4,1	0	0,0	1	1,0	1	1,0	2	2,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
2	2-умум таълим мактаби	86	4	4,7	0	0,0	1	1,2	1	1,2	2	2,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
3	3-умум таълим мактаби	55	3	5,5	0	0,0	1	1,8	0	0,0	2	3,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
4	4-умум таълим мактаби	74	4	5,4	0	0,0	1	1,4	1	1,4	2	2,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
5	5-умум таълим мактаби	36	2	5,6	0	0,0	1	2,8	0	0,0	1	2,8	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
6	52-ИДУМ	69	4	5,8	0	0,0	1	1,4	1	1,4	2	2,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
7	7-умум таълим мактаби	58	3	5,2	0	0,0	1	1,7	0	0,0	2	3,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
8	8-умум таълим мактаби	53	3	5,7	0	0,0	1	1,9	0	0,0	2	3,8	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
9	9-умум таълим мактаби	48	2	4,2	0	0,0	1	2,1	0	0,0	1	2,1	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
10	10-умум таълим мактаби	55	3	5,5	0	0,0	1	1,8	0	0,0	2	3,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
11	11-умум таълим мактаби	72	4	5,6	0	0,0	1	1,4	1	1,4	2	2,8	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
12	12-умум таълим мактаби	43	2	4,7	0	0,0	1	2,3	0	0,0	1	2,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
13	13-умум таълим мактаби	61	3	4,9	0	0,0	1	1,6	0	0,0	2	3,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
14	14-умум таълим мактаби	68	4	5,9	0	0,0	1	1,5	1	1,5	2	2,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
15	15-умум таълим мактаби	72	4	5,6	0	0,0	1	1,4	1	1,4	2	2,8	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
16	16-умум таълим мактаби	42	2	4,8	0	0,0	1	2,4	0	0,0	1	2,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
17	17-умум таълим мактаби	40	2	5,0	0	0,0	1	2,5	0	0,0	1	2,5	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
18	18-умум таълим мактаби	46	2	4,3	0	0,0	1	2,2	0	0,0	1	2,2	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
19	19-умум таълим мактаби	52	3	5,8	0	0,0	1	1,9	1	1,9	1	1,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
20	20-умум таълим мактаби	46	2	4,3	0	0,0	1	2,2	0	0,0	1	2,2	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
21	21-умум таълим мактаби	59	3	5,1	0	0,0	1	1,7	0	0,0	2	3,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
22	61-ИДУМ	111	5	4,5	0	0,0	1	0,9	1	0,9	3	2,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
23	23-умум таълим мактаби	45	2	4,4	0	0,0	1	2,2	0	0,0	1	2,2	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
24	24-умум таълим мактаби	41	2	4,9	0	0,0	1	2,4	0	0,0	1	2,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
25	25-умум таълим мактаби	38	2	5,3	0	0,0	1	2,6	0	0,0	1	2,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
26	26-умум таълим мактаби	43	2	4,7	0	0,0	1	2,3	0	0,0	1	2,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
27	26-БТМ	33	2	6,1	0	0,0	1	3,0	0	0,0	1	3,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
28	48-ДИМИ	92	4	4,3	0	0,0	1	1,1	1	1,1	2	2,2	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
29	БАБМ	44	2	4,5	0	0,0	1	2,3	0	0,0	1	2,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
30	Халқ таълими бўлими	44	2	4,5	0	0,0	1	2,3	0	0,0	1	2,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
31	"15 SON BOLALAR MUSIQA VA SAN`AT MAKTABI"	39	2	5,1	0	0,0	1	2,6	0	0,0	1	2,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0

32	1-MTT	33	2	6,1	0	0,0	1	3,0	0	0,0	1	3,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
33	2-MTT	28	1	3,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	3,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
34	3-MTT	27	1	3,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	3,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
35	4-MTT	37	2	5,4	0	0,0	1	2,7	0	0,0	1	2,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
36	5-MTT	23	1	4,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	4,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
37	6-MTT	42	2	4,8	0	0,0	1	2,4	0	0,0	1	2,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
38	7-MTT	30	1	3,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	3,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
39	8-MTT	34	2	5,9	0	0,0	1	2,9	0	0,0	1	2,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
40	9-MTT	27	1	3,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	3,7	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
41	10-MTT	36	2	5,6	0	0,0	1	2,8	0	0,0	1	2,8	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
42	11-MTT	28	1	3,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	3,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
43	12-MTT	35	2	5,7	0	0,0	1	2,9	0	0,0	1	2,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
44	13-MTT	33	2	6,1	0	0,0	1	3,0	0	0,0	1	3,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
45	14-MTT	21	1	4,8	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	4,8	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
46	15-MTT	30	1	3,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	3,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
47	16-MTT	29	1	3,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	3,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
48	17-MTT	26	1	3,8	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	3,8	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
49	18-MTT	32	1	3,1	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	3,1	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
50	20-MTT	26	1	3,8	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	3,8	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
51	21-MTT	31	1	3,2	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	3,2	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
52	22-MTT	29	1	3,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	3,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
53	23-MTT	20	1	5,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	5,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
54	24-MTT	26	1	3,8	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	3,8	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
55	25 -MTT	31	1	3,2	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	3,2	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
56	26-MTT	42	2	4,8	1	2,4	0	0,0	0	0,0	1	2,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
57	27-MTT	30	1	3,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	3,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
58	28-MTT	28	1	3,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	3,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
59	29-MTT	23	1	4,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	4,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
60	"BO'Z TUMAN MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI"	33	2	6,1	0	0,0	1	3,0	0	0,0	1	3,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
61	"OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI"	238	15	6,3	2	0,8	1	0,4	0	0,0	9	3,8	0	0,0	2	0,8	1	0,4	1	0	0	0
62	"BO`STON TUMAN SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIK MARKAZ	50	2	4,0	1	2,0	0	0,0	0	0,0	1	2,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
63	"BO'Z TUMANI AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI"	30	1	3,3	0	0,0	1	3,3	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
64	БУЗ ТУМАН ЙУЛ ХУЖАЛИГИ ПУД.ТФК	65	3	4,6	0	0,0	0	0,0	0	0,0	2	3,1	0	0,0	1	1,5	0	0,0	0	0	0	0
65	БУЗ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ	1199	58	4,8	7	0,6	7	0,6	4	0,3	37	3,1	0	0,0	1	0,1	2	0,2	1	0	0	1
66	"BO'STON TUMANI KASB-XUNAR MAKTABI"	90	5	5,6	2	2,2	1	1,1	0	0,0	2	2,2	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
67	"BO'STON ABU ALI IBN SINO NOMIDAGI JAMOAT SALOMATLIGI TEXNIKUMI	85	5	5,9	2	2,4	0	0,0	1	1,2	2	2,4	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
68	"SAYYORA FAVVORASI" MCHJ	355	21	5,9	4	1,1	2	0,6	1	0,3	14	3,9	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
69	"SUNLIGHT CO LTD" MCHJ	24	1	4,2	1	4,2	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
70	"ISLOMBEK KELAJAK SARI" MCHJ	26	1	3,8	1	3,8	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0
71	"BEHRUZBEK DILMURODOV" MCHJ	94	5	5,3	2	2,1	0	0,0	1	1,1	2	2,1	0	0,0	0	0,0	0	0,0	0	0	0	0